

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ
ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАВШАНОВА ДИЛАФРУЗ ТАГАЕВНА

**ЭТИОПАТОГЕНЕТИК ФАКТОРЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА
ТИРНОҚ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 - Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Равшанова Дилафруз Тагаевна

Этиопатогенетик факторларни ҳисобга олган ҳолда тирноқ касалликларини диагностика ва даволаш усулларини оптималлаштириш 3

Равшанова Дилафруз Тагаевна

Оптимизация методов диагностики и лечения болезней ногтей с учетом этиопатогенетических факторов..... 20

Равшанова Дилафруз Тагаевна

Optimization of diagnostic methods and treatment of nail diseases, taking into account etiopathogenic factors 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 41

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ
ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАВШАНОВА ДИЛАФРУЗ ТАГАЕВНА

**ЭТИОПАТОГЕНЕТИК ФАКТОРЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА
ТИРНОҚ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 - Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.1 PhD/Tib481 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий – амалий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюми)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва “Ziynet” ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳматов Акрам Баратович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маннанов Абдушукур Маликович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Ташкенбаева Умида Алишеровна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел / факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz)

Диссертация билан Тошкент Педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел / факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н.Хайтов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги ўн йилликда тирноқ патологиясининг сезиларли даражада кўпайиши кузатилмоқда, бу иккиламчи иммунитет танқислиги ҳолатининг пайдо бўлиши, антибиотиклар, стероид ва цитостатик дориларнинг кенг қўлланилиши, кўплаб соматик патологиялар, эндокринопатиялар каби турли хил этиологик ва патологик омиллар билан боғлиқ ҳолда жиддий ва ижтимоий муаммо сифатида аҳамият касб этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «инсонлар орасидаги тирноқлар патологиясида микотик этиологияли онихоистрофиялар (онихомикоз) алоҳида ўринда бўлиб, онихомикозларнинг учраши 5-10% ни ташкил қилмоқда...»¹. Тирноқ касалликларининг дунё аҳолиси орасида кенг тарқалганлиги, шу жумладан онихомикозларнинг тўхтовсиз кўпайиши, сурункали кечиши, ўтказилаётган терапияга резистентлик ривожланиши, косметик нуқсонларга ва беморларнинг ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келиши, ушбу муаммо ривожланишининг этиопатогенетик механизмларини ўрганишни, профилактика ва даволаш усуллари самарадорлигини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда инсонларда тирноқлар патологиясини юзага келиш сабаблари, уларнинг кечиши, даволаш тактикасида юқори самарадорликка эришишга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касалликнинг этиопатогенетик жиҳатларига йўналтирилган, ҳам тизимли, ҳам маҳаллий антимикотик терапияси, иммун ва цитокин тизимларини коррекциялаш каби ишлаб чиқилган даволаш усуллари такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар ва катталар орасида юзага келадиган турли тирноқ касалликларини олдини олиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «... диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш...»² каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада инсонларда тирноқ касалликларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактиканинг самарали усуллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-

¹Lecerf P, Abdy S, Vollono L, Pastushenko I, Richert B, Andre J. Mycoses. 2021 Feb; 64: 187-193. doi: 10.1111/myc.13201. Epub 2020 Nov 9.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тирноқлар патологияси хусусан, онихомикозлар дунё аҳолисининг 5-10 фоизида қайд этилиши ўрганилган, бу патология ёш катталашган сари 4-5 марта ўсиб бориши аниқланган. Ушбу муаммога бағишланган тадқиқотлар Германия, Франция, Италия, Россия, Ўзбекистон ва бошқа ҳамдўстлик давлатларининг олим-мутахассислари томонидан ўрганилган. Онихомикозлар оёқ микози фонида ёки мустақил равишда кўзгатувчи замбуруғларнинг тирноқ ости бўшлиғига ёки тирноқ илдизига тўғридан-тўғри кириб бориши билан пайдо бўлиши, тирноқ ости бўшлиғига замбуруғларни киришига уни чеклайдиган тузилмаларнинг зарарланиши ёки бузилиши сабаб бўлиши аниқланган. Шунинг учун онихомикоз ривожланишига олиб келадиган энг кенг тарқалган омил бу тирноқ ва унинг атрофининг шикастланишидир. Тирноқ атрофидаги терининг окклюзияси ва мацерацияси ҳам гипонихия тўсиқлари, тирноқ териси ва ён ёстиқчаларни яллиғланиши ва шикастланишига сабаб бўлган (Сергеев А.Ю. 2017). Шу муносабат билан, ушбу ҳолатни ривожланишига олиб келадиган хавф омиллари масаласини ўрганиш муҳим бўлиб ҳисобланади

Хорижий адабиётларда тирноқ пластинкасидаги ўзгаришлар (ониходистрофиялар) турли хил тери касалликларида ҳам кузатилишига катта эътибор берилмоқда, масалан, псориаз, экзема, қизил ясси темиртки ва бошқалар каби, ҳамда шунингдек ўзи алоҳида намоён бўлиши мумкин (Волик А.П. 2001; Taieb С., Myon E., Voisard J.J. 2005; Молчанова О.В. 2007; Goettmann S., Zara I., Moulounguet I. 2008). Онихомикоз ва бошқа ониходистрофиялар салбий таъсирининг муҳим таркибий қисми бу касалликнинг беморларнинг «ҳаёт сифатига» таъсиридир (Mirada A., Lopez J.S., Santos C. 2002; Molina D. 2002).

Ўзбекистон олимлари тиббиёт соҳасида илк бор тирноқ касалликлари ривожланиш патогенезини бевосита таҳлил қилиб, ушбу касалликнинг эпидемик жараёнига таъсир қилувчи ҳақиқий омиллар мавжудлигини ва биринчи навбатда бу оёқ микозлари муаммосига тегишли эканлигини таъкидлаган (Абрамович Я.А. 1994; Абидова З.М., Арифов С.С. 2001; Нарзикулов Р.М. 2015; Рахматов А.Б. 2015; Хамаганова И.В. 2016), онихомикознинг патогенетик жиҳатдан асосланган юзаки, дистал ва проксимал клиник шакллари даволаш усули тўғрисида қарор қабул қилишда асосий омил ҳисоблайди. Бошқа клиник параметрларни фақат онихомикознинг клиник шаклини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш керак (Наумов К.М., 2000; Рахматов А.Б., Абидова З.М. 2001).

Ониходистрофияларда, шу жумладан, онихомикозлар билан касалланган беморларда ҳам иммун ва цитокин ҳолати муаммолари деярли ўрганилган эмас, бу касалликнинг сурункалашуви сабабларини аниқлаш ва рационал иммуномодулирловчи терапия йўналишини белгилаш имконини яратади. Цитокин ҳолатини баҳолаш ониходистрофиялар патогенезини тушунишда муҳим қўшимча бўлиб, у иммунокомпетент хужайраларнинг функционал ҳолати, яллиғланиш жараёнининг оғирлиги тўғрисида маълумот олиш, ониходистрофияларнинг турли хил шакллари даволаш натижалари, кенг спектрли дори-дармонлар арсеналидан фойдаланилгани ва зарарланган тирноқ пластинкасига таъсир қилиш усуллари дерматологларни тўлиқ қаноатлантирмайди. Узоқ муддатли даволаш, сезиларли моддий харажатлар, тез-тез учрайдиган асоратлар, косметик нуқсонлар ониходистрофияларнинг турли шакллари даволашнинг мавжуд усуллари такомиллаштиришнинг янги усуллари излашни талаб қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий – амалий тиббиёт маркази илмий – тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Тери касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактикасининг замонавий усуллари ишлаб чиқиш” (2018-2021) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Имуно-биокимёвий ва микробиологик текширувларни ҳисобга олган ҳолда ониходистрофияларнинг турли шаклларида диагностика ва даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ониходистрофияларнинг турли шакллари билан оғриган беморларни баҳолаш;

ониходистрофияларнинг турли шакллари билан оғриган беморларда гуморал ва хужайравий иммунитет ҳолатини аниқлаш;

ониходистрофияларнинг турли шакллари билан оғриган беморларда яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг ҳолатини баҳолаш;

ониходистрофияларнинг турли шакллари билан оғриган беморларда эндоген интоксикация синдромининг оғирлик даражасини баҳолаш;

иммун ва цитокин статус ҳолати, шунингдек эндоген интоксикация кескинлигини ўрганиш асосида олинган натижаларни ҳисобга олган ҳолда ониходистрофияларга чалинган беморларни даволаш учун тирноқ ўсиши ва сифатини яхшиловчи тизимли энзимотерапия ва онихотроп препаратларни қўшган ҳолда даволашнинг мукамаллашган усуллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилояти ҳудудий филиалида 2017 йилдан 2021 йиллар давомида 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган, ониходистрофиянинг турли шакллари билан касалланган 220 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети организмнинг биосубстратлари (қон зардоби, тери қиртмаси, тирноқлар) материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, микробиологик, иммунологик, биокимёвий, иммунофермент ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

этиологик омилларни ўрганиш асосида ониходистрофияларнинг микотик, дерматологик, травматик сабаб билан пайдо бўлган алоҳида шакллари аниқланган, улар учун тирноқ патологияси кечуви оғирлигини баҳолаш мезонлари исботланган;

микотик, дерматологик, травматик сабаб билан пайдо бўлган ониходистрофияли беморлардаги касалликнинг клиник кечиши ва организмнинг эндоген интоксикациясининг оғирлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик асосланган;

микотик, дерматологик, травматик сабаб билан пайдо бўлган беморлардаги ониходистрофияларни даволаш давомида комплекс терапиянинг самарадорлигини баҳолаш учун ҳаёт сифати мезонлари исботланган;

микотик, дерматологик, травматик сабаб билан пайдо бўлган ониходистрофияли беморларни даволашда комплекс даволаш таркибига тирноқ ўсиши ва сифатини яхшиловчи тизимли энзимотерапия ва онихотроп препаратли дорилар тавсия қилинган, шу жумладан подологик аппаратлар билан даволаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

этиологик омилларга боғлиқ ҳолда микотик, дерматологик, травматик сабаб билан кузатилган ониходистрофияли беморларни ташҳислаш ва юритиш алгоритми эрта ташҳис қўйиш самарадорлигини ошириш ва асоратлар юзага келишининг олдини олиш тартиби асосланган;

микотик, дерматологик, травматик сабаб билан кузатилган ониходистрофияли беморларни иммуно-цитокин ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, клиник кечувининг оғирлигини аниқлаш ва даволаш усуллари такомиллаштирилганлиги асосланган;

этиологик омилларга боғлиқ ҳолда, замонавий антифунгал дорилар, онихотроп воситалар ва ортониксия усуллари ўз ичига олувчи ониходистрофияларни даволашнинг комплекс усуллари дерматология амалиётига жорий қилинган. Ҳар бир вилоят дерматовенерологик диспансерларида ихтисослашган подология кабинетларида ониходистрофияли беморларни тирноқ пластинкаларини подологик аппаратли тозалаш усулларидадан фойдаланиш ва даволашни янги ёндошувлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ониходистрофияларни ривожланишининг иммунологик механизмларини ўрганиш, айниқса, иммун жавоб турини баҳолашга имкон берадиган беморларнинг цитокин ҳолатини аниқлаш, коррекцияловчи даволаш ҳамда касалликнинг қайталаниши олдини олиш усуллари аниқлаш, турли дерматозларда ониходистрофияларнинг мавжудлиги касалликнинг салбий прогностик белгиси эканлиги, бу иммунокорректив терапия ўтказишга кўрсатма бўлиши, эндоген интоксикациянинг ўрганилган параметрлари ониходистрофиялар ва айниқса, онихомикоз билан касалланган беморларда иммунологик бузилишларининг далили бўлиб, бу жараённинг сурункали ҳолатга ўтишига ва даволашга нисбатан торпидлик кузатилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамизнинг турли вилоятларида ўтказилган маҳорат дарслари орқали диагностика ва даволаш усуллари, шу жумладан тирноқ патологиясида ортониксия усуллари жорий этишга имкон берган, дерматомикология соҳасида инновацион ютуқ бўлган махсус подология хоналари ташкил этилиб, ониходистрофияларни даволашнинг тавсия этилган усуллари, ҳам дори воситалари, ҳам аппаратлар ёрдамида олиб бориладиган усуллар даволаш самарадорлигини ошириши ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Тирноқ касалликлари билан хасталанган беморларга ташхис қўйиш, уни даволаш ва профилактик усуллари ишлаб чиқиш буйича олинган натижалар асосида:

тирноқ касалликларининг оғирлик даражасини клиник-иммунологик, микробиологик ташхислаш усули, касалликни даволашнинг янги усулини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган «Онихомикозларнинг такомиллаштирилган диагностикаси ва даволаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2017 йил 26 декабридаги 8н-д/71-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома даволаш усулининг жорий этилиши турли хил этиологияли ониходистрофияларни эрта ташхислаш ва этиопатогенетик терапиянинг самарадорлигини ошириш имконини берган;

ониходистрофияларнинг турли шакллари диагностика қилиш ва даволашнинг ишлаб чиқилган усуллари соғлиқни сақлаш тизими, жумладан Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилояти ҳудудий филиали, Қорақалпоғистон вилоят тери-таносил касалликлари диспансери клиник амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2021 йил 21 декабрдаги 17-03-09н-д/20303-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари қўллаш орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшиланиши, терапевтик самарадорликнинг 69.5%га ошириш, амбулатор ва стационар даволаш давомийлигини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 34 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 10 та республика, 1 та хорижий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предметлари, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «**Тирноқ касалликлари диагностикаси ва даволашнинг замонавий аспекти**» деб номланган биринчи бобида сўнгги 10-15 йил ичидаги маҳаллий ва хорижий нашрларнинг ониходистрофиялар клиник кечиши ва ривожланишининг патогенетик жиҳатлари, онихомикозлар клиник кечишида микотик инфекциянинг ўрни, замонавий диагностика ва даволаш усуллари оид адабиётлар шарҳи берилган. Турли хил этиологияли ониходистрофиялар диагностикаси ва даволаш бўйича мавжуд усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тирноқ касалликларида биологик материалларни текширишнинг замонавий услублари**» деб номланган иккинчи бобида текширув объектлари ва тадқиқот усуллари батафсил таърифланган: клиник, микологик, иммунологик, биокимёвий ва статистик тадқиқотлар усуллари баён қилинган.

Тадқиқотнинг мақсади ва қўйилган вазифаларига етишиш учун 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган ониходистрофияларнинг турли шакллари билан касалланган 220 нафар бемор комплекс текширувдан ўтказилди. Улар орасида эркак жинсига мансуб шахслар 149 нафарни (67,7%) ва аёллар - 71 нафар (32,3%) ни ташкил қилди. Назорат гуруҳи тегишли ёшдаги 22 нафар амалий соғлом кишилардан иборат эди. Ониходистрофияларнинг қуйидаги турлари аниқланди: микотик этиологияли (онихомикоз) - 127 бемор (57,7%), травматик этиологияли – 28 бемор (12,7%), дерматологик этиологияли - 65 бемор (29,6%). Турли хил этиологияли ониходистрофияларининг клиник таснифи 220нафар беморда ёши, касалликнинг давомийлигини ва ёндош касалликлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда батафсил таърифланади.

Диссертация ишида қуйидаги текширув усуллари ўтказилди:

ониходистрофиялар оғирлик даражасини клиник КИОТОС индекс ёрдамида [Сергеев Ю.В. ва бошқ., 2002] аниқлаш;

организм биосубстратларини (тери тангачалари, тирноқ пластинкалари) микроскопик текширувлар (микроскопик ва культурал) билан текшириш, замбуруғ турларини аниқлаш ва антимикотик дориларга сезгирлигини аниқлаш билан;

иммунологик текширувлар – Т - ва В-лимфоцитларнинг умумий ва нисбий сонини, уларнинг субпопуляцияларини аниқлаш.

моноклонал антитаначаларни ЦИК усули билан аниқлаш, қон зардобидеги А,М,С иммуноглобулинларини гелда оддий радиал иммунодиффузия усули билан аниқлаш [Manchini et al., 1965];

иммунофермент таҳлиллар асосида «Вектор-Бест» ОАЖ (Россия) тўпламлари ёрдамида яллиғланишни қўлловчи (ИЛ-2, ИЛ-6, ФНО- α) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-4, ИЛ-8, ИНФ- γ) цитокинлар даражасини аниқлаш.

Тадқиқот натижалари EXCEL пакетидаги статистик таҳлил учун дастурий таъминот ёрдамида, ўртача арифметик қийматларни (М), уларнинг стандарт хатолари (m) ва нисбий қийматларни (частотани, %) ҳисоблаш билан вариацион статистикаси усули билан қайта ишланди.

Диссертациянинг «**Ониходистрофияларнинг турли шакллари билан касалланган беморларнинг характеристикаси**» деб номланган учинчи бобида, ҳар бир шаклдаги ониходистрофияларнинг ўзига хос характерли клиник белгилари батафсил тасвирланган. Аввало, онихомикоз билан касалланган 127 беморнинг клиник хусусиятлари берилди, улар орасида, 100% ҳолларда замбуруғлар мицелияси микроскопик текширувда топилди, лекин культурал тадқиқотлар замбуруғларнинг патоген штаммларини 127 беморнинг атиги 70 тасида (55,1%) ажратишга имкон берди. Замбуруғ инфекциясини батафсил таҳлил қилинганда 70 беморнинг 50 тасида (71,4%) дерматофит замбуруғлар, 8 тасида (11,4%) ачитқи замбуруғлари, 7 тасида (10,0%) моғор замбуруғлари, шунингдек уларнинг 5 тасида (7,2%) уларнинг бирга келиши аниқланди. Zaias [1998] бўйича онихомикозларнинг халқаро таснифига кўра, юзаки формани - 6 (4,7%) беморда, дистал формани - 88 (69,4%) беморда ва проксимал формани - 33 (25,9%) беморда аниқланди. КИОТОС индексидан фойдаланиш дистал онихомикозли беморларда ўртача $13,5 \pm 0,4$ баллни, проксимал шаклда эса $17,5 \pm 0,8$ баллни аниқлаш имконини берди.

Кўпгина тери касалликларида ониходистрофиялар пайдо бўлиши мумкин ва кўпинча уларнинг клиник кўринишлар жуда хилма-хил бўлади, шу сабабли турли хил тери касалликлари билан касалланган 65 бемор таҳлил қилинди, шу жумладан псориаз билан касалланган 31 (47,7%) бемор, ўчоқли алопеция билан касалланган 16 та (24,6%) бемор, қизил ясси темирлатки билан касалланган 8 (12,3%) бемор, экзема билан касалланган 10 (15,4%) бемор.

Травматик этиологияли ониходистрофияларни 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган 28 беморда (12 эркак, 16 аёл) аниқланди. Назоратимиздаги 28 беморнинг 21 тасида (75%) оёқлар биринчи бармоғида жойлашган, «ўсиб кирган тирноқлар» деб баҳоланувчи клиник ҳолат қайд этилди. 28 беморнинг 7 тасида

(25%) ониходистрофиялар «сунъий тирноқлар» каби шикаст етказувчи омил туфайли юзага келган. Кузатилган 21 беморнинг 20 тасида (95,2%) «ўсиб кирган тирноқлар» ҳолати туфайли, олдинроқ тирноқ пластинкасини олиб ташлаш жарроҳлик аралашуви амалга оширилган. Травматик этиологияли ониходистрофия бўлган беморларда ўтказилган рентгенологик тадқиқотлар 28 беморнинг 6 тасида (21,4%) тирноқ ости экзостози аниқланди.

Патологиянинг пайдо бўлиш хусусиятидан қатъий назар, ониходистрофия билан касалланган барча 220 бемор микробиологик текширувлардан ўтказилди, хусусан, тирноқ кесмаларидаги замбуруғ мицелийсини аниқлаш учун микроскопик таҳлиллар. Ўтказилган текширувлар натижасида 127 (57,7%) беморда онихомикоз ташхиси тасдиқланди. Сабуро муҳитида олиб борилган культурал тадқиқотлар 127 беморнинг атиги 70 тасида (55,1%) аниқ микологик омилни аниқлашга имкон берди.

Диссертациянинг «**Ониходистрофияларнинг турли шакллари билан касалланган беморларнинг клиник – иммунологик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида, ониходистрофияларнинг турли хил шакллари билан касалланган 220 беморнинг ва назорат гуруҳидаги шахсларнинг ($n=22$) текширув натижалари келтирилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, иммун тизимининг хужайравий бўғини томонидан сезиларли бузилиш аниқланади, айниқса СД3 ва СД20 нинг бузилиши, шу билан бирга СД4 хужайралари миқдорининг сезиларли пасайиши ва шунга мос равишда СД8 хужайралари миқдорининг ортиши кузатилади, бу эса иммунорегулятор индекснинг (ИРИ) сезиларли пасайишига олиб келади. Барча текширилган гуруҳларда СД95 хужайраларининг миқдори назорат гуруҳининг қийматларидан сезиларли даражада ($p<0,05$) ошиб кетди. Ониходистрофияли беморларда гуморал иммунитет томондан IgA ва IgG сезиларли даражада ўсиши қайд этилди, IgM миқдори эса назорат гуруҳидан деярли фарқ қилмади ($p<0,05$). IgG кўрсаткичи $r=0.91$ корреляция коэффициенти билан КИОТОС индексига бевосита мутаносиб эди, яъни IgG таркибининг кўпайиши ониходистрофиянинг оғир шакли, айниқса гипертрофик тип шакланганлигидан далолат берарди. ИРИ индикаторидаги энг катта ўзгаришларни дерматологик ва микологик этиологияли ониходистрофиялар билан оғриган беморларда кузатдик, бу вақтда травматик этиологияли ониходистрофияси бўлган беморларда худди шу кўрсаткич назорат гуруҳининг қийматларидан деярли фарқ қилмади: мос равишда $1,70\pm 0,10$ ва $2,37\pm 0,16$ $p>0,05$ да.

Ониходистрофия билан касалланган беморларнинг барча гуруҳларида яллиғланиш кўлловчи (*про*) цитокинлар (ИЛ-2, ИЛ-6, ИЛ-8, ФНО- α) миқдорларининг сезиларли даражада ошиши ва яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-4, ИНФ- γ) миқдорининг пасайиши кузатилади, бу ўз навбатида керакли коррекцияни талаб қиладиган цитокин статусидаги сезиларли ўзгаришларни кўрсатади.

Бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатганидек, ониходистрофияларнинг асосий патогенетик бўғинларидан бири иммун тизимининг бузилиши ҳисобланади, яъни Th1 – типдаги йўналиш бўйлаб цитокин профилининг оғиши, интерлейкинлар (ИЛ-

2, ИЛ-6, ИЛ-8) миқдорининг ошиши билан бирга, муҳим рол ўсма некрози омили-алфа (ФНО- α) нинг ўсишига қараб ўзгариши билан боғлиқ.

Ониходистрофиялар билан касалланган 108 (59 нафар эркак, 49 нафар аёл) беморда эндоген интоксикациянинг асосий кўрсаткичларини (ССЭ ва СМП) аниқлаш бўйича ўрганишлар ўтказилди, бунда этиологик омилга қараб 39 (36,1%) беморда - замбуруғ инфекцияси билан боғлиқ ониходистрофиялар, 41 (38%) беморда - дерматологик касалликлар билан боғлиқ ониходистрофиялар, 28 (25,9%) - травматик омиллар билан боғлиқ бўлган ониходистрофиялар бор эди.

Қуйида турли хил этиологияли ониходистрофияларга чалинган беморларда эндоген интоксикацияни ўрганиш натижалари келтирилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Ониходистрофияларда эндоген интоксикация кўрсаткичлари (М ± m)

Текширилган гуруҳлар.	ССЭ (%)	СМП (ед.экс.)
Назорат гуруҳи (n22)	29,6±0,68	0,215±0,006
Замбуруғ этиологияли ониходистрофиялар (n39)	37,2±0,68*	0,455±0,005*
Дерматологик этиологияли ониходистрофиялар (n41)	40,2±0,85*^^	0,522±0,004*^^^
Травматик этиологияли ониходистрофиялар (n28)	31,0±0,74^^^°	0,280±0,003*^^^°

*Изоҳ: * - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар (* - $p < 0.001$), ^ - биринчи гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқлар (^ - $p < 0.01$, ^^ - $p < 0.001$). ° - иккинчи гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқлар (- $p < 0,01$).*

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, эндоген интоксикация кўрсаткичларидаги энг кескин ўзгаришлар дерматологик этиологияли ониходистрофияси бўлган беморларда аниқланди, бу касаллик белгиларининг нафақат тирноқ пластинкаларида, балки бутун терида намоён бўлиши билан тушунтирилади. Онихомикозларда ҳам, патологик жараён фақат тирноқ пластинкалари билан чекланган бўлса ҳам, ўрганилган ССЭ ва СМП кўрсаткичларида сезиларли даражада ўзгаришлар аниқланди. Ушбу факт замбуруғ инфекциясининг инсон организмга сезиларли таъсирини кўрсатиб, эндоген интоксикацияси ривожланишига олиб келишини кўрсатади, бу эса ўз навбатида мазкур омилни даволаш зарурлигини кўрсатади.

Олинган натижалар, аввало, ониходистрофияларнинг турли шакллари бўлган беморларда эндоген интоксикациянинг мавжудлигини ва махсус антимикотик терапияни қўллаш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди, бу эндоген интоксикацияни йўқотишга ёрдам беради, шунингдек дерматологик этиологияли ониходистрофияларда иммуномодулирловчи терапия ҳам эндоген интоксикацияни йўқотишга ёрдам беради.

Диссертациянинг «**Ониходистрофияларнинг турли шакллари билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари**» деб номланган бешинчи бобида ониходистрофиялар билан касалланган беморлар орасида ўтказилган махсус тест натижалари келтирилган бўлиб, бунда С.И. Довжанский ва бошқалар (1997) томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинган, асосан

псориаз билан оғриган беморларда қўлланилган, ҳаёт сифати анкетадан фойдаланилган.

Турли хил ониходистрофиялар билан касалланган 220нафар бемор, яъни 127 (57,7%) онихомикоз ташхиси қўйилган беморлар, 65 (29,6%) –дерматологик ониходистрофия ва 28 (12,7%) – травматик этиологияли ониходистрофия билан касалланган беморлар кузатилди.

Ҳаёт сифатини баҳолаш учун махсус сўровномадан ҳаёт сифатининг дерматологик индекси (ДИКЖ)дан фойдаланилди. Шунинг таъкидлаш керакки, ушбу сўровноманинг кўрсаткичлари (умумий балл) қанчалик юқори бўлса, беморларнинг ҳаёт сифати шунчалик ёмон бўлади. Шунинг учун самарали даволаш ДИКЖ сўровномаси қийматларининг пасайишига олиб келади.

Тадқиқотлар шунинг кўрсатдики, ониходистрофияларнинг барча турларида ДИКЖ қийматларида сезиларли ўсиш ($p < 0,01$) кузатилади ва бу онихомикозларда энг яққол сезилади.

2-жадвал.

Ониходистрофияларнинг турли шаклларида беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари ($M \pm m$)

Текширилган гуруҳлар.	ДИКЖ умумий балл.
Назорат гуруҳи (n22)	9,2 ± 0,28
Замбуруғ этиологияли ониходистрофиялар (n127)	36,1±0,73**
Дерматологик этиологияли ониходистрофиялар (n65)	23,7±0,35**
Травматик этиологияли ониходистрофиялар (n28)	14,4±0,40*

Изоҳ: * - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар (* - $p < 0,05$, ** - $p < 0,001$).

Шунинг таъкидлаш керакки, ўзининг касаллиги ва атрофдагилар билан юзага келадиган вазиятларни идрок этиш асосан беморларнинг маълумотлилигига боғлиқ бўлиб, бу қуйидаги жадвалда келтирилган

3-жадвал.

Беморнинг маълумотига қараб ониходистрофия билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатининг кўрсаткичлари ($M \pm m$)

Текширилган гуруҳлар	Маълумоти		
	Тўлиқсиз ўрта	Ўрта	Олий
Замбуруғ этиологияли ониходистрофиялар (n127)	25,2±0,40 (n29)	36,4±0,57 (n71)	47,2±0,34 (n27)
Дерматологик этиологияли ониходистрофиялар (n65)	21,4±0,24 (n36)	25,7±0,30 (n16)	27,2±0,21 (n13)
Травматик этиологияли ониходистрофиялар (n28)	11,9±0,23 (n10)	14,7±0,25 (n9)	16,7±0,22 (n9)

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ДИКЖ индексидаги энг кескин ўзгаришлар замбуруғ этиологияли ва олий маълумотли ониходистрофияси бўлган беморларга тўғри келди, чунки бу кўрсаткичлар тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотли беморлардаги худди шу кўрсаткичдан 1,8 марта ошиб кетди. Ушбу маълумотлар «ҳаёт сифати» нинг пасайиш даражаси

ва беморнинг маълумотлилиги ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқликни ишончли тарзда исботлайди.

Шундай қилиб, ониходистрофияларнинг турли шаклларида беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада бузилиш ҳолатлари аниқланади, бу ҳолат фақат самарали терапия усулларидадан фойдаланган ҳолда бартараф этилиши мумкин.

Диссертациянинг «**Ониходистрофияларнинг турли шакллари билан касалланган беморларни этиопатогенетик даволаш**» деб номланган олтинчи бобида этиологик омилларга қараб ишлаб чиқилган ониходистрофияларни даволаш усуллари келтирилган, айти пайтда ўтказилаётган стандарт терапияга қўшимча тарзида онихотроп ва иммуномодулирловчи воситалар қўшиш тавсия этилган. Ишлаб чиқилган этиопатогенетик усул терапевтик самарадорлигини баҳолаш учун онихомикозлар билан касалланган 127 беморлар (дистал шакли билан 88 бемор, проксимал шакли билан 33 ва юзаки шакллари билан 6 бемор)да текназол билан пульс – терапия ўтказилди (200 мгдан кунига 2 марта овқатдан сўнг 7 кун давомида). 21 кунлик танаффус пайтида, онихомикоз билан касалланган беморлар Вобэнзим препаратини бир кунда 3 таблеткадан 3 марта (овқатдан олдин) қабул қилишди, яъни текназолни қабул қилишнинг ҳар бир курсидан кейин вобэнзим қабул қилинди (3-4 пульс терапияси). Таъкидлаш жоизки, ушбу усул беморларнинг 93,6 %ида клиник ва микологик тузалишга эришиш имконини берди. Таъкидлаш жоизки, қўлланилган терапия схемаси иммун ва цитокин ҳолатларининг ўрганилган параметрларини нормаллашишига олиб келиб, эндоген интоксикация синдромининг оғирлигини пасайтирди. Мисол тариқасида, цитокин ҳолатининг асосий кўрсаткичларидан бири, яъни яллиғланишни қўлловчи цитокин - ИЛ-2 кўрсаткичларининг динамикада ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар 4-жадвалда кўрсатилган.

4-жадвал.

Онихомикозли беморларнинг қон зардобидаги ИЛ-2 концентрациясига ўтказилаётган терапиянинг таъсири (M ± m)

Текширув даври	Дистал шакли n 42		Проксимал шакли n 33	
	Ia гуруҳ дистал шакли n 20	Iб гуруҳ дистал шакли n 22	IIa гуруҳ проксимал шакли n 15	IIб гуруҳ проксимал шакли n 18
Назорат гуруҳи, пг/мл n22	5,7±0,30	5,7±0,30	5,7±0,30	5,7±0,30
Даво бошлангунча, пг/мл	12,19±0,81*	11,27±1,02*	15,08±0,91*	15,06±0,59*
Даводан кейин, пг/мл	7,69±0,52^^	7,42±0,67^	9,77±0,64^^	9,06±0,62^^

Изоҳ: * - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар (* - $p < 0,001$); ^ - даволанишдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан маълумотларнинг ишончилиги (^ - $p < 0,05$; ^^ - $p < 0,01$)

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, онихомикоз билан касалланган беморларнинг қон зардобидидаги ИЛ-2 нинг бошланғич таркиби бир ошган хил эди ва назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада ошган эди ($p < 0.001$). Даволанишдан сўнг барча беморларда, терапия туридан қатъий назар, ИЛ-2 нинг миқдори пасайган (мос равишда $p < 0.05$ ва $p < 0.01$) ва баъзи гуруҳларда деярли назорат гуруҳининг қийматларига тенглашган.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, тизимли антимикотик терапия фонидида иммун тизимининг Th1 ва Th 2 регуляция йўллари фаоллашади. Аммо антимикотик терапияга тизимли фермент терапиясини (вобэнзим) кўшиш яллиғланишни кўлловчи цитокинларнинг эрта нормаллашишига ва яллиғланишга қарши цитокин миқдорининг ошишига олиб келади, бу иммун тизимининг ҳужайравий ва гуморал бўғинларининг адекват боғлиқлиги кўрсатиши мумкин.

Шундай қилиб, тизимли фермент терапиясини, хусусан, онихомикоз билан оғриган беморларни даволашда Вобэнзим препаратини қўллашнинг асоси, полиэнзим воситаларининг иммун ва цитокин ҳолатини бошқаришда бевосита иштирок этиши ҳисобланади. Шу орқали улар эндоген интоксикация даражасини қарийиб 2 баробар камайтиради, бу эса онихомикоз билан касалланган беморларда ССЭ ва СМП кўрсаткичлари ўзгаришлари орқали тасдиқланди.

Турли дерматозларга чалинган 65 беморда ўрганиш ўтказилди, ониходистрофияларнинг клиник хусусиятлари аниқланди ва ушбу дерматозларни даволашда Пантогар онихотроп препарати қўлланилди, препарат 1 капсуладан кунига 3 марта 1-2 ой давомида ичилди. Барча беморларда даволанишдан олдин ва кейин ДИКЖ сўровномасини ўтказилди, бу 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал.

Турли дерматозларни даволашда ДИКЖ динамикаси

Текширилган гуруҳлар	Бошланғич ҳолат	Даводан сўнг
Назорат гуруҳи (n22)	9,2±0,28	
Псориаз билан касалланганлар (n31)	26,2±0,29 [^]	20,7±0,44 ^{**^}
Ўчоқли алопеция билан касалланганлар (n16)	22,6±0,21 [^]	20,0±0,65 ^{*^}
Қизил ясси темиртки билан касалланганлар (n8)	21,0±0,18 [^]	21,1±0,70 [^]
Экзема билан касалланганлар (n10)	19,9±0,18 [^]	19,6±0,76 [^]

Изоҳ: * - дастлабки маълумотларга нисбатан фарқлар (* - $p < 0.05$; ** - $p < 0.01$); [^] - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар ([^] - $p < 0,001$)

5-жадвалда «Ҳаёт сифати» бўйича сўровнома беморларни даволашдан сўнг ўтказилганда псориаз ва ўчоқли алопеция билан касалланганларда беморлар ижтимоий мослашувининг ижобий динамикасини қайд этилди, қизил ясси темиртки ва экзема билан оғриган беморларда бу ҳолат деярли ўзгармади.

Шундай қилиб, «Пантогар» препаратини турли хил ижтимоий аҳамиятга эга дерматозлар билан касалланган беморларнинг комплекс терапиясига киритиш умумий даволашнинг терапевтик самарадорлигини оширади, бу эса, авваламбор, ушбу дерматозларда теридаги патологик жараён яхшиланишига олиб келади, гарчи бунга 3-6 ойдан кўпроқ вақт кетса ҳам, тирноқ пластинкаларига хос умумий физиологик ва анатомик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ониходистрофия белгилари камайишига ёки уларнинг йўқ бўлишигача олиб келади.

Травматик этиологияли ониходистрофия билан касалланган беморларни тузатиш терапияси усуллари ўзига хос хусусиятларга эга, чунки онихотроп препаратларни (Пантогар ва бошқалар) қўллаш билан бир қаторда, бу ҳолатларда қўлланиладиган ортониксия усуллари (тирноқларни аппаратли тозалаш, ортезлар ўрнатиш ва бошқалар) катта аҳамиятга эга. Травматик этиологияли ониходистрофия билан касалланган 28 беморни даволашда «Пантогар» препарати 1 капсуладан кунига 3 марта, 3-4 ой давомида буюрилди. Паронихия белгилари кузатилган ҳолларда биз, 1 ой давомида нафтифин креми ёки эритмасини ишлатилди.

Шундай қилиб, травматик этиологияли ониходистрофияларда комплекс терапия ишлаб чиқилган бўлиб, у 3-4 ой давомида «Пантогар» препаратини қўллашдан, «Экзодерил» эритмаси ёки кремини ташқи ишлатишдан ва агар керак бўлса, ортониксиянинг кенг қўлланиладиган усуллари билан бири (ҳалқачалар ўрнатиш, тирноқларни аппарат ёрдамида тозалаш ва бошқалар.) ни ишлатишдан иборат, бу даволашнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга (80% гача), касалликнинг рецидивларини минималлаштиришга ва патологик ўзгарган тирноқ пластинкалари 2 барабар тезроқ тиклашга имкон беради. Турли хил этиологияли ониходистрофияларни даволашнинг қўлланилган ва ишлаб чиқилган комплекс усуллардан вилоят дерматовенерологик диспансерлари қошида подология кабинетлари тармоғини яратишда ҳамда маҳорат сабоқлари ўтказиш давомида кенг фойдаланилди.

Дерматологик амалиётга тирноқ пластинкаларидаги патологик ўзгаришларнинг асослари (ониходистрофияларнинг вариантлари) киритилди, бу ониходистрофияларнинг этиологик омиллари вариантларини аниқлашга ва касаллик натижасини башорат қилишда имкон беради, масалан, псориастик ониходистрофия.

Дерматомикология амалиётига онихомикозли беморларни даволашнинг такомиллаштирилган усулини таклиф қилинди, бу эса итраконазол билан пульс терапиясининг танаффуслари пайтида тизимли фермент терапиясини қўллашни назарда тутди, бу эса клиник-микологик тузалишни 93,6% гача ошириш имконини беради. Ониходистрофиялар ҳолатида онихотроп восита - Пантогар, 1 капсуладан кунига 3 марта 3-4 ой давомида фойдаланиш тавсия этилади.

Онихомикозли беморларда жараён кечувининг оғирлигини баҳолаш ва даволаш самарадорлигини назорат қилиш учун КИОТОС индексидан (ўлчагич) фойдаланиш таклиф этилади; ониходистрофиянинг бошқа шаклларида

Пантогарнинг онихотроп таъсирини баҳолашга имкон берадиган NAPSI индекси.

Ониходистрофияларнинг турли шакллари учун ортониксия усулларидан фойдаланиш тавсия этилади (тирноқ пластинкаларини аппарат билан тозалаш ва пластинкаларни ўрнатиш ва бошқалар), бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш билан бирга тирноқ пластинкаларининг ўсишини тезлаштиришга имкон беради, айниқса ўсиб кирган тирноқда (травматик ониходистрофия). Республикамизнинг кўплаб дерматовенерологик муассасаларида ташкил этилган подология кабинетларининг амалий фаолиятида ониходистрофияларнинг турли шакллари билан касалланганларни даволаш усуллари қўлланилмоқда.



ХУЛОСАЛАР

1. Ониходистрофиялар билан касалланган 220 бемор клиник ва микологик текширувдан ўтказилганда 127 (57,7%) нафар онихомикоз билан касалланган бемор, 65 (29,6%) нафар дерматологик этиологияли (псориаз ва бошқалар) ва 28 (12,7%) нафар травматик этиологияли (ўсиб кирган тирноқ) беморлар аниқланди. Ониходистрофиянинг ҳар бир тури учун тирноқ пластинкасидаги ўзгаришлар асосида махсус клиник белгилар аниқландики, уларни ҳам диагностик ҳам прогностик белгилар сифатида ишлатиш мумкин.

2. Ўрганилаётган ҳужайравий ва гуморал иммун тизими бўғинлари кўрсаткичлари бўйича энг муҳим ўзгаришлар, авваламбор, кўриб чиқиладиган дерматозларнинг терида намоён бўлишидан келиб чиққан ҳолда, дерматологик этиологиянинг ониходистрофияларда аниқланди. Иммунитетнинг Т-ҳужайравий бўғинининг хелпер типининг дисбаланси ва иммун тизимининг гуморал бўғинининг В-лимфоцитлар ва барча синф иммуноглобулинларининг 1,5 баравар миқдорда назоратсиз гиперпродукцияси шаклида фаоллашиши аниқланди. Дерматологик этиологияли ониходистрофияларда иммун тизими кўрсаткичларининг ўзгариши тери касаллиги хусусиятига боғлиқ бўлиб, псориазда энг кескин, экземада энг кам намоён бўлади. Иммун ҳолатидаги энг кескин ўзгаришлар онихомикозларда ҳам кузатилди. Травматик этиологияли ониходистрофия бўлган беморлар гуруҳида иммун ҳолатидаги ўзгариш айтарли сезиларсиз кузатилди.

3. Цитокин ҳолати кўрсаткичлари бўйича (яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг миқдори) аниқланган бузилишлар дерматологик этиологияли ониходистрофияларда кўпроқ сезилди, чунки бу ҳолатларда сурункали дерматозлар (псориаз ва бошқаларда) Th1 типидagi иммун жавоб борлигини кўрсатади. Микотик этиологияли ониходистрофияларда ва травматик этиологияли ониходистрофияда ҳам цитокин ҳолати бузилиши аниқланди. Ониходистрофияси бор барча беморларда яллиғланишни қўлловчи цитокинлар (ИЛ-2 ИЛ-6 ИЛ-8 ФНО- α) миқдорларида сезиларли ўсиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-4 ИНФ- γ) миқдориди пасайиш кузатилди. Ониходистрофияларнинг барча шаклларидаги кўрсатувчи цитокинлардан бири бу ўсма некрози омил- адир

4. Ониходистрофияларнинг барча турларида микотик ва бактериал инфекция ҳамда сурункали рецидивланадиган дерматозларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган эндоген интоксикация ривожланиб, СМП ва ССЭ каби кўрсаткичларнинг ошиши билан ифодаланади. Эндоген интоксикациянинг мавжудлиги терапияга нисбатан торпидлик ривожланишига сабаб бўлади ва айниқса микотик этиологияли ониходистрофияларда тизимли фермент терапиясини қўллаш эндоген интоксикациянинг оғирлигини камайтиришга ёрдам беради.

5. Ониходистрофияларнинг турли шакллари учун патогенетик жиҳатдан асосланган терапия усуллари ишлаб чиқилди: онихомикозларда – итраконазолдан фойдаланиш ва пульс терапиясининг танаффуслари пайтида, тизимли фермент терапияси, бу 93,6% да клиник ва микологик даволаниш имконини беради. беморлар (таққослаш гуруҳида 72,7%); дерматологик ва травматик этиологияли ониходистрофияларда "Пантогар" онихотроп препаратини, 1 капсуладан кунига 3 марта 3-4 ой давомида қўллаш, шунингдек ортониксия усуллари (ўсиб кирган тирноқ) қўллаш тавсия этилади. Пантогар препаратидан фойдаланиш дерматологик этиологияли ониходистрофияларда Napsi индексини 1,5 марта яхшилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ
НАУЧНОПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИИ И КОСМЕТОЛОГИИ**

РАВШАНОВА ДИЛАФРУЗ ТАГАЕВНА

**ОПТИМИЗАЦИЯ МЕТОДОВ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ
БОЛЕЗНЕЙ НОГТЕЙ С УЧЕТОМ ЭТИОПАТОГЕНЕТИЧЕСКИХ
ФАКТОРОВ**

14.00.11 – Дерматология и венерология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам
зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров
Республики Узбекистан за №B2017.1.PhD/Tib70.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом центре дерматовенерологии и косметологии, Самаркандском областном кожно-венерологическом диспансере.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tashpmi.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet”(www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Рахматов Акрам Баратович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Маннанов Абдушукур Маликович
доктор медицинских наук, профессор

Ташкенбаева Умида Алишеровна
доктор медицинских наук

Ведущая организация:

Андижанский государственный
медицинский институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом институте. (Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул.Богишамол, дом 223. Тел/факс: (+99871) 262-33-14; E-mail: mail@tashpmi.uz)

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № ____, (адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул.Богишамол, дом 223. Тел/факс: (+99871) 262-33-14.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2022 года.
(Реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2022 года).

А.В.Алимов
Председатель научного совета
по присуждению ученой степени, доктор медицинских
наук, профессор

К.Н.Хайтов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени, доктор медицинских
наук, профессор

Д.И.Ахмедова
Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению ученой степени, доктор
медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD)).

Актуальность и востребованность темы диссертации. За последнее десятилетие в мире наблюдается значительный рост патологии ногтей, имеет важное значение как серьезная и социальная проблема, связанная с возникновением вторичных иммунодефицитов, широким применением антибиотиков, стероидных и цитостатических препаратов, различной соматической патологией, эндокринопатиями и различными этиологическими и патологическими факторами. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) «Ониходистрофии микотической этиологии занимают особое место в патологии ногтей у человека, частота онихомикозов составляет 5-10%»¹. Распространенность заболеваний ногтей среди населения мира, в том числе стойкий рост онихомикоза, хроническое течение, развития резистентности к терапии, приводящее к косметическим дефектам и снижению качества жизни пациентов требует изучения этиопатогенетических механизмов развития данной проблемы повышения эффективности методов профилактики и лечения.

В мире уделяется особое внимание причинам патологии ногтей у человека, их течению, проведен ряд научных исследований, посвященных достижению высокой эффективности лечебной тактики. Особое значение имеет совершенствование разработанных методов лечения, ориентированных на этиопатогенетические аспекты заболевания, таких как системная и местная противогрибковая терапия, коррекция иммунной и цитокиновой систем.

В стране проводятся комплексные реформы по развитию медицинской отрасли, в соответствии с мировыми стандартами, профилактике различных заболеваний ногтей у детей и взрослых. В нашей стране определены такие приоритеты, как «...внедрение современных методов диагностики и лечение, оказание высококачественных медицинских услуг, в том числе внедрение и развитие телемедицины...»². В связи с этим целесообразна разработка эффективных методов ранней диагностики, лечения и профилактики патологии ногтей у человека.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан за №-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», УП за №-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения республики Узбекистан», Постановлениях Президента за № - 5124 от 25 мая 2021 года «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения», а также в иных нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Lecerf P, Abdy S, Vollono L, Pastushenko I, Richert B, Andre J. Mycoses. 2021 Feb; 64: 187-193. doi: 10.1111/myc.13201. Epub 2020 Nov 9.

² Постановлениях Президента за №-5124 от 25 мая 2021 года «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения»

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Патология ногтей, в частности онихомикоз, изучена у 5-10% населения земного шара и установлена, что это патология увеличивается с возрастом в 4-5 раз. Исследованиями по этой проблеме занимались ученые из Германии, Франции, Италии, России, Узбекистана и других стран СНГ. Установлена, что онихомикозы возникают на фоне микоза стоп или при прямой инфильтрации грибов непосредственно в полости ногтей или корень ногтя, вызывая повреждение или нарушение структур, ограничивающих проникновение грибов в полости ногтей. Поэтому наиболее частым фактором, приводящим к развитию онихомикоза, является поражения ногтя и его окружения. Окклюзия и мацерация кожи вокруг ногтей также вызывали воспаление и повреждение кожи ногтя и боковых подушечек (Сергеев А.Ю.2017). В связи с этим актуально изучение вопроса о факторах риска, приводящих к развитию данного состояния.

